Ушбу сонда:
2 Ижтимоий ҳимоя ОДАМЛАР БИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН
3 КАСАБА УЮШМА ЖОНКУЯРЛАРИ
8 ФЕРМЕР бойиса кўпга нафи тегади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 22 декабр, чоршанба № 203-204 (1837)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 декабр: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ а р о р и

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида ҳамда ёзувчи таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и :

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг май ойида «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий конференцияни ҳамда адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни ўтказсин.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги адибнинг асарларини саҳналаштириш, Фанлар академияси билан биргаликда Ойбек уй-музейининг экспозициясини бойитиш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда таълим муассасалари ва кутубхоналарда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, ойбекхонлик кунлари, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ойбек асарларини ҳамда «Ойбек замондошлари хотирасида» китобини чоп этишни режалаштирсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм яратсин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ойбек сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини чиқарсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси ва республика оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш, юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабр

И.КАРИМОВ

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 9-Бодомзор сайлов округи доирасидаги 551-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик ишлари якунига етмоқда. Сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш учун зарур бўлган барча жиҳозлар тахт. Сайловолди ташвиқоти давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан бешмарта учрашув ташкил этилди. Ҳар бир учрашувда 350-400 сайловчи иштирок этиб, номзодлар билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг дастурлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Айни пайтда сайловчиларга Марказий сайлов комиссияси яқинда тасдиқлаган янги намунадаги сайлов бюллетенларидан овоз бериш жараёнида фойдаланиш қоидалари кенг тушунтирилмоқда.

Суратда: сайлов участкаси иш фаолиятидан лавҳа.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

КУЗАТУВЧИЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Мамлакатимизда 26 декабр куни бўлиб ўтадиган сайловга кўплаб ривожланган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар таклиф этилган. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг /ЕХҲТ/ Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссияси жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан якиндан танишмоқда.

Фарғона вилоятида иш олиб бораётган Жон Салленс ва Андреас Кольшуттер ҳам ЕХҲТ вакиллари.

- Ўзбекистонда парламентаризмнинг янги кўриниши шаклланаётгани мамлакатингиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеадир, - деди Жон Салленс ЎзА мухбирига. - Саноқли кунлардан сўнг ўтадиган сайловлар демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора ўтишига ишонаман. Чунки мамлакатингизда бу тадбирга тайёргарлик қизғин. Биз бу жараён билан жиддий танишишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозиргача бир неча сайлов округи ва участкаларида бўлдик, сайловчилар билан учрашдик. Шунингдек, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан ўзгаришлар, айниқса, ўзбек халқининг бой тарихи, қадриятлари, қадимий обидалари ва замонавий иншоотлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

- Фарғонанинг сўлим табиати, халқингизнинг меҳмондўстлиги менга жуда ёқди, - дейди Андреас Кольшуттер. - Мен Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга ўлка эканидан хабардор эдим. Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликлар, музейларни бориб кўрганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Келгусида юртингиз бўйлаб саёҳатда бўлиш ниятидаман.

(ЎзА)

Фармон ва ижро

Мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор самараси ўлароқ, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари амалда тобора кенг қўлланилмоқда.

АМНИСТИЯ ТУФАЙЛИ ОИЛАСИГА ҚАЙТДИ

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузган шахс жазо муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Шу боис жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Инсон эрки билан боғлиқ бу ҳужжат кўплаб кишилар кўнглида умид учқунларини ёқди. Зеро, инсон учун дунёда озодликдан улуғроқ неъмат йўқ.

Айниқса, кейинги йилларда ёт ғоялар таъсирига тушиб, ҳар хил бузғунчи оқимлар, жумладан диний-экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар бугун ўз хатосини англаб етяпти.

- Давлатимиз раҳбари томонидан бундай кишиларнинг авф этилиши уларни юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилишга рағбатлантиряпти, - деди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи Абдужаббор Абдунабиев ЎзА мухбирига. - Диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб, кейинчалик хатосини англаб етган бир гуруҳ юртдошларимизнинг гуноҳларидан кечиш борасида сўраб қилган мурожаатлари Юртбошимиз имзо чеккан амнистия тўғрисидаги Фармон туфайли ижобат бўлди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Товоқсой» қишлоғида жойлашган жазони ижро этиш муассасасидан уч нафар шундай шахс озодликка чиқарилди.

Улардан бири - Равшан Юсуфхўжаев. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, диний-экстремистик, сепаристик, фундаменталистик каби тақиқланган ташкилотларни тузиш, уларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун 2003 йил 21 февралда озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддати 2011 йилгача белгиланган эди.

- Ўтган давр мобайнида юртим, ота-онам, фарзандларим ҳаққи-ҳурмати тўғри яшашим зарурлигини, кирган йўлимнинг эртаси йўқлигини чуқур англадим, - дейди Равшан. - Президентимизнинг мен каби адашганларни оталарча ғамхўрлик билан кечирганларидан миннатдорман. Мен бу ишончни ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

- Ўғлимнинг озодликка чиқиб, фарзандлари бағрига қайтгани мен учун улкан бахт, - деди унинг онаси Озода Юсуфхўжаева. - Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримовга мингдан-минг раҳмат.

Президентимизнинг Фармонига биноан озодликка чиққан Р.Юсуфхўжаев пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги маҳаллада оила-аъзолари, маҳалладошлари томонидан илиқ кутиб олинди.

- Президентимизнинг улкан ғамхўрлиги туфайли Равшан муддатидан анча олдин уйига қайтди, - дейди маҳалла оқсоқоли Собиржон Абдураҳмонов. - Бу бағрикенглик ва ғамхўрликнинг моҳиятини у чуқур англаб, шунга муносиб умр кечиради, деган умиддамиз. Биз - маҳалла фаоллари ҳам унга ҳар томонлама ёрдам берамиз.

Президентимизнинг улкан ғамхўрлик ва меҳр билан йўғрилган Фармони ана шундай адашган кишиларга тўғри яшаш ва меҳнат қилиш имконини бермоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ а р о р и

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади;

ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январ ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланади;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадал-лар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланади.

3. Қуйидагилар:

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

(Давоми 2-бетда)

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА БАЙРАМ

Бугунги кунда Тошкентдаги 22-меҳрибонлик уйи моҳир педагог ва тарбиячи Антонина Хлебушкина номи билан аталади. Бу меҳри дарё зиёбахш қалб эгаси мазкур болалар даргоҳига кўп йиллар мобайнида раҳбарлик қилди.

Бу орада 4 минг нафардан ортиқ нуридийдалар унинг оналик меҳридан баҳраманд бўлди. Шу сабабдан вафотидан сўнг меҳрибонлик уйи унинг номига қўйилди. Айни вақтда А.Хлебушкина уй-музейи очилди. Мана ўн йилдирки, музей томошабинлар билан гавжум бўлмоқда. Ундаги экспонатлар жонкуяр мураббийнинг тилга олса арзигулик йўли ҳақида ҳикоя қилаётир.

Устоз мураббий таваллуд топганига 90 йил бўлди. Шу муносабат билан меҳрибонлик уйи тубдан таъмирланди. Музей экспозицияси эса янги экспонатлар билан бойиди.

А.АЛИЕВ

Кўпдан қуён қочиб қутилмас

МИРЗАБУЛОҚНИНГ ФАЙЗЛИ ОҚШОМИ

Ғаллаорол туманидаги Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аброр Омоновнинг таъкидлашича, Қизилқўрғон қишлоғида яшовчи оқсоқоллардан Шуҳрат Ўтанов, Абдураҳмон Тожибоев кабиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳашар йўли билан 12 чақиримлик масофадаги трасса қазилиб, қувур ётқизилди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди. Қишлоқ врачлик пункти телефонлаштирилди. Маҳалла ҳузуридаги 20,-24,-45- умумтаълим ўрта мактаблари ва «Ғунча» боғчаси жамоатчилик кучи билан сифатли таъмирдан чиқарилди. Қишлоқнинг 1,5 километрлик ички йўллари текисланиб, шағал ётқизилди.

Қизилқўрғон аҳолиси кўп йиллардан бери анҳор ва қудуқ сувларидан фойдаланиб, қиш ва баҳор фаслларида бир мунча қийинчиликларга дуч келишарди. Бу ерга тоза ичимлик суви келтириш, боғ-роғлар яратиб, теварак-атрофни гулзорга айлантиришда саховатли кишиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Тадбиркорлардан акаука Олимжон ва Рустам Омоновлар ўз хусусий корхоналари даромадлари ҳисобидан 1 миллион сўм маблағ ажратишди. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг ҳамжиҳатлиги, ҳашарда барчани фаол иштирок этиши туфайли трассани қазиш, қувур ётқизиш ва ерларни текислаш ишлари қисқа вақтларда уддаланди. Натижада 3 мингга яқин қишлоқ аҳолиси хонадонларида чинакамига байрам бўлди.

Ҳалол меҳнат билан қишлоқнинг бообрў кишисига айланган Ашир Олишбоев ҳамқишлоқларининг кўп вақтлари йўлда ўтаётганлигини инобатга олиб, жамғариб қўйган пулига қишлоқ врачлик пунктини телефонлаштирди. Эндиликда қишлоқ шифохонасидан тўғридан-тўғри туман маркази билан телефон орқали гаплашиш имконияти туғилди.

Маҳаллада кўнгли очиқ ва ҳиммати баланд кишилар ҳақида гап кетгудек бўлса «Қизилқўрғон» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Алишер Суюнов номини биринчилардан тилга олишади. Саховатли тадбиркор биргина шу йилнинг ўзида 17 нафар кам таъминланган ва қаровчисини йўқотган оилаларга ўз жамғармаси ҳисобидан 470 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. У Хонкелди Нурматов, Бувсара Очилова, Омонгул Бўронова каби беморларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, доридармонлар билан таъминлаб келмоқда. А.Суюнов бу йил «Энг мурувватли қўшни» танловининг вилоят ғолиби бўлди.

Ободонлаштириш, йўлларни созлаш, муҳтож оилаларга доимий меҳр-мурувват кўрсатиш каби савоб ишлар қишлоқ аҳолиси ўртасида анъанага айланиб қолган. Бу йилги умумхалқ ҳашарида меҳнаткашлар томонидан ўтказилган 12 минг тупдан зиёд терак, тол ва шу каби манзарали дарахт кўчатлари кўкка бўй чўзмоқда. Барпо этилган боғ-роғлар ва йўллар четидаги анвойи гулларни кўриб кўзингиз қувонади.

Йил бошида қишлоқ ёшларининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, Олимжон ва Рустам Омоновлар бошлиқ фермерлар ўз экин майдонларидан ер ажратди ва спорт иншооти учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланди. Бундан ташқари, Кетмончи қишлоғида бир неча спорт майдончалари бунёд этилди. Турли мусобақаларнинг бўлиб туришига ана шу саховатпеша фермерлар ҳомийлик қилишиб, ёрдамларини аяшмаяптилар.

Ҳа, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи ўнлаб саховатпеша кишиларнинг ҳиммат-ларига ҳар қанча таҳсинлар айтса арзийди. Улар ўзидан, рўзғоридан ортиқча маблағларини савобли ишларга йўналтириб, кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

А.САИДОВ

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ҚАДРДОНЛАР

Бухоро вилояти деҳқонлари етиштирган «Оқ олтин» ўзининг юқори сифатлилиги билан жаҳон бозорида харидоргир. Шу боис «Ғиждувон пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган пахта толаси Австрия, Италия, Франция, Швейцария, Голландия, Ҳиндистон каби ўнга яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинаяпти.

Айни кунларда қабул қилинган хомашёнинг белгиланган даражали намлик ва қуруқликда сақланиши учун мутасадди ходимларнинг масъулияти кучайтирилган.

Пахтани қайта ишлаш цехидаги ҳаво тозалаш ускуналари ҳаракати яна бир бор кўздан кечирилди. Чунки саранжом-саришталик, озодалик, атроф-муҳит мусаффолиги, ҳаво мўътадиллиги ишчилар кайфиятини кўтариб, меҳнат унумдорлигини оширади.

Бундан ташқари, маъмурият ва касаба уюшмаси вакилларидан иборат жамоатчилик гуруҳи тузилиб, цехлар ва ёрдамчи бўлинмаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва иш жараёнлари учун яратилган шароит ўрганилди. Камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Жамоа шартномасида кўйилган вазифалар асосида ходимларга бир мунча имтиёзлар берилган. Тунги шароитда ишлаётганларга қўшимча таътил жорий этилган. Сут ва сут маҳсулотлари, икки маҳал тўйимли иссиқ овқат бериб борилади.

Бир кеча-кундузда 250 тонна пахтани қайта ишлаётган 650 нафар кишилик жамоада юксак меҳнат кўтаринкилиги ва соғлом маънавий вазият шаклланган. Ҳар бир ходим иш сифати ва сўръати учун масъуллигини қалбдан ҳис этади.

Бригада етакчиси Мурод Қиличев ўз тақдирини корхона ҳаёти билан боғлаган, ёшлиги, камолот йиллари қадрдон жамоасида ўтган. Тармоқда 35 йилдан буён ишлаб, катта тажриба орттирган. Талабчан раҳбар маҳсулотнинг аъло даражада бўлиши ва режанинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатган.

Жин дастгоҳини бошқараётган Дилмурод Очилов, таъмирловчилар Шаҳобиддин Саломов, Комил Собиров, прессловчи Жамил Ҳосилов, электр пайвандчи Салим Аҳадов сингари ишчилар ҳар бир юмушни виждонан адо этишади.

Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси талабларига амал қилинаётганлиги, қулай иш шароити яратилганлиги корхонада унумли ва баракали меҳнатни таъминлаяпти. Мураккаб дастгоҳларни бошқараётган ҳар бир ходимнинг ишдан кўнгли хотиржам, етарли билим ва малакага эга.

Шаҳар бош режасига мувофиқ бундан икки йил муқаддам завод учун янги бино қурилганлиги ва ҳудуди кенгайтирилганлиги, цехлар, ёрдамчи бўлинмалар қисқа технологияга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ютуқлар омили бўлаяпти. Бултур 37 минг 681 тонна хомашё қайта ишланиб, тола чиқиши ўртача 34,5 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса 38 минг тоннага яқин пахта қабул қилиниб, 4 та ишлаб чиқариш бригадаси маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилаяпти.

Шартнома режасини ошириб уддалаган ғиждувонликлар пахтачиликдан 10 миллиард 911 миллион сўм даромад олишни кўзлаб туришибди. Шундан келган 3 миллиард 97 миллион сўм соф фойда шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланади.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида корхонада ибратли ишлар амалга оширилди. Ишчиларни рағбатлантириш мақсадида 2,5 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат ногирони Ниёз Салоҳиддиновнинг уй-жой қуришига кўмаклашилди. Нажим Эргашевга касалхонада даволаниши учун маблағ ажратилди. Д.Бозорова, Т.Очилов, М.Ниёзова каби кам таъминланган оилаларга нақд пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Жамият бўйича ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 65 минг сўмни ташкил этади.

Белгиланган дастурга мувофиқ завод қошида нотўқима мато ишлаб чиқарадиган цех очилиб, 40 нафар маҳаллий йигит-қиз янги иш ўрнига эга бўлади.

И.ҲАЛИМОВ, корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ а р о р и

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

(Боши 1-бетда)

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун фуқароларнинг идентификация рақамларини (шахсий кодини) аниқлашда ва Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очишда хўжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2005 йил 5 январгача бўлган муддатда иш берувчилар жойлашган жой бўйича Халқ банкининг туман (шаҳар) филиалларига белгиланган шаклларга мувофиқ ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

Маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Халқ банки 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишини, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очилишини ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилишини амалга оширсин.

Кейинчалик фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш зарур маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилиши назарда тутилсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишининг тўлиқлиги тўғрисида ахборот берсин.

7. Халқ банки 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиш ва юритишга доир операция харажатларини компенсация қилишга мақсадли йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда;

бир ой муддатда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамлари очиш имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрсин;

2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар айирбошланиши ва уларнинг ишончли ҳимоя қилиниши имкониятини назарда тутувчи ягона маълумотлар электрон базасининг моддий-техник асоси шакллантирилишини ва унинг дастурий таъминланишини тугалласин;

жамғариб бориладиган пенсия тизими ишлашини таъминлаш учун Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиаллари ходимларини тайёрлаш ва ўқитишни бир ой муддатда амалга оширсин.

9. Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

компьютер техникаси сотиб олиш, ягона маълумотлар электрон базасини шакллантириш ахборот тизимининг пухта ишлашини таъминловчи электрон дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

зарур миқдорда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бланкаларини ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олиш бўйича маълумотларни тақдим этиш шаклларини тайёрлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкка асосланган таклифларни тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига кўрсатиб ўтилган харажатларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклифлар киритсин.

10. Халқ банки ўн кун муддатда, ўзининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда киритсин, Халқ банкининг марказий аппаратида Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасини ташкил этсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 февралгача жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармаси ва тегишли ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва ходимлари сони бўйича зарур таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банки корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимлари учун методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар ишлаб чиқилишини таъминласинлар, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масалалари юзасидан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари билан семинарлар ўтказилишини ташкил қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича зарур ташкилий ишларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Р.С.Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Халқ банки 2005 йил 10 январгача:

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу қарорда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳудудий семинарлар ўтказсинлар;

ҳар қайси вилоятда вужудга келган муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширувчи тузилмалар тармоқлари ходимлари сонини белгиласинлар.

13. «Ўзтелерадиокомпания», Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситаларида мавзули эшиттиришлар ва мақолалар туркумлари ташкил этиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда маърузалар ва учрашувлар уюштириш йўли билан жамғариб бориладиган қўшимча пенсия тизимининг механизми фаолияти ва афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабр

И.КАРИМОВ



Бувайда тумани машина-трактор парки давлат акциядорлик жамиятида техникаларни экиш-тикин мавсумига сифатли таъмирлаш, бўяш ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришга жиддий эътибор қаратилган. Айни пайтда бу ерда туман бўйича 166 та чопиқ трактори, 9 та «Кейс» ва 21 та Россияда ишлаб чиқарилган дон ўриш комбайнлари таъмирдан чиқарилмоқда.

Таъкидлаш керакки, бу йил биргина таъмирлаш устахонасида маҳаллий шароитда қайта тиклаш, янгидан ясаш, таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича 45 миллион сўмлик иш бажарилди.

Бундан ташқари, механизатор ва чилангарлар икки маҳал иссиқ овқат ва махсус кийим-кечак билан таъминланди.

Суратларда: механизатор Шерзод Эрназаров; бўёқчи Назир Тожиев.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Бунёдкорлик

Меҳр ва мурувват йилида минглаб фуқаролар юксак инсонпарварлик намунасидан баҳраманд бўлдилар. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш - ҳукуматимизнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳаётда ўз тасдиғини топди.

МИЛЛИЙ ҒУРУР
қалбда жўш урса

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида болалар спортини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, бугунги кунда туманда 85 та спорт майдонлари мавжуд бўлиб, умумхалқ ҳашари ва маҳаллалар кучи билан 27 та болалар спорт майдончалари янгидан барпо этилди. Уларнинг 6 таси қайтадан таъмирланди. Айни чоғда 5153 нафар ўсмир футбол билан, 2150 нафари кураш, 2269 нафар ўғил-қиз эса шоҳмот-шашка билан мунтазам шуғулланмоқда. «Маҳалла» жамғармаси томонидан 115 нафар ёшларга жами 577500 сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. «Соғлом оила» мусобақаси ташкил этилиб, унда 150 та оила вакиллари иштирок этди. Шулардан 50 нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олдилар. Шу йилнинг 25 августида туман ҳудудида улкан спорт байрами ўтказилиб, 29 минг 500 дан ортиқ фуқаро қатнашди.Футбол мусобақасида эса «Посира» маҳалла жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Йил давомида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳалла ва кўчалар, гузар ҳамда хиёбонлар кўркам ҳолга келтирилди. 14 та маҳалла идораси таъмирланди. Мирзо Улуғбек номли, «Юнусобод» маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди. 54 та маиший хизмат шохобчалари очилди. «Боғишамол», «Бободеҳқон», «Оқтепа» маҳаллаларида гузар қурилиши ниҳоясига етказилаётир. 8 та маҳалла идорасини бунёд этиш учун 15 миллион 650 минг сўм маблағ ажратилди.

— Ўксик қалбларга меҳр- мурувват кўрсатиш, кўнглини овлаш халқимизга хос фазилатлардан,- дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Р.Гулмирзаев. — Ҳудуддаги 21-, 31- Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари доимо эътиборимизда. Уларга турли байрамларда мурувват ёрдамлари кўрсатиш анъанага айланган. Бундай хайрли тадбирларни ўтказишда тумандаги кўплаб корхона ва ташкилотлар ҳомийлик кўрсатишяпти. Жумладан, «Олой бозори» очиқ акциядорлик жамияти ҳомийлигида 21- Меҳрибонлик уйида Наврўз байрами тантанали нишонланди, сумалак қилиниб, ош тортилди. Маъмурият томонидан 2 та ғилам ва палос тақдим этилди. Мазкур хайрия тадбирлари учун акциядорлик жамияти томонидан 505,3 минг сўм сарфланди. 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ҳам болажонларга ажойиб байрам тадбири ўтказилиб, унда «Кичкинтой» гуруҳи ва Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари ўз санъатларини намойиш этишди.

Туман ҳудудида истиқомат қилувчи ёлғиз, ёрдамга муҳтож 501 нафар киши рўйхатга олинган бўлиб, улар махсус ажратилган ходимлар қаровида. Уларнинг 465 нафарига 6 миллион 275 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан 86 та кам таъминланган оилага 2 миллион 815 минг сўм, 20 нафар кўзи ожизларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан моддий кўмак берилди. Барча пенсия ёшидагиларнинг нафақалари ўз вақтида етказиб бериляпти.

Амнистия туфайли озодликка чиққан фуқароларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси бир талай ишларни қилди. Бу каби фуқароларни ҳаётда тўғри йўлни топишларига кўмаклашиш, ўзларига мос иш билан таъминлаш борасида ҳам бир талай тадбирлар амалга оширилди.

Туманда оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалла гузарларида оила вакилларига ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишларда маслаҳатлар ташкил этиляпти. «Ҳуқуқингизни биласизми» мавзуида 715 та учрашув ва суҳбатлар уюштирилди. 16 та маҳаллада фуқароларга бепул адвокатлик хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. «Соғлом авлод» жамғармаси туман бўлими билан 50 та маҳаллада туғиш ёшидаги ва ёш болали аёллар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

Янгийўл туман Халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида иш олиб борилмоқда. Шу боис мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришилаяпти. Туманда 58 та умумтаълим мактаби, 13 та болалар боғчаси ва 2 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатаяпти. Ўқув даргоҳларида 1876 нафар педагог ёш авлод тарбияси йўлида билим ва маҳоратини аямаяпти. Айни пайтда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар халқ таълими тизимини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни билимли, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Суратда: туман халқ таълими бўлими мудири муовини Марям Назарова услубчилар билан.

ҚУРУВЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоят вакиллиги ва жойлардаги бошланғич ташкилотлар соҳа меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Мавжуд 48 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилган. Бу меъёрий ҳужжатларда кўплаб имтиёз ва кафолатлар ўз аксини топган.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра оғир ва зарарли шароитда меҳнат қилаётганларнинг ойлик маошига 12 фоиз, ўта оғир ва зарарли жойларда ишловчилар учун 24 фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаб келинмоқда.

Очиғи, бунга ўхшаш жуда кўп имтиёзларни амалга ошириш баъзи иш берувчилар учун осон бўлмаяпти. Айниқса, бюджетдан ташқари соҳаларда ишлаётган ходимларнинг иш ҳақи тўловларидан қарздорлик асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Вакилликда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Энг катта қарздорликка йўл қўяётган корхона ва ташкилотларда мониторинг олиб борилаяпти. Қисқаси, уч томонлама, яъни, вакиллик, иш берувчи, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида олиб борилаётган ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. Масалан, тармоқда 2004 йил 1 январ ҳолатида иш ҳақидан қарздорлик 153 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 октябрига келиб бу кўрсаткич 83 миллион сўмга тушди. 17 та корхонада иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттириляпти.

Е.САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Бухоро вилояти бўйича вакили

ИЖОДКОР ЎКУВЧИЛАР

Мамлакатимизда «Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Конвенцияси» қабул қилинганлигининг 15 йиллиги кенг нишонланди. Шу сана муносабати билан республика умумтаълим мактаблари болалар театрлари танлови ҳам уюштирилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент бўлими, «Болалар жамғармаси», «Ўзбектеатр» бирлашмаси томонидан ўтказилган бу нуфузли маданий тадбир «Энг яхши режиссёрлик иши учун», «Энг яхши спектаклар учун» йўналишлари бўйича ташкил этилди.

Танловда Тошкентдаги «Оловуддин» болалар ижоди гуруҳи кўрсатган шоу—спектакли постановкаси «Энг яши режиссёрлик иши» мукофотига сазовор бўлди. Самарқанд вилояти ижодкор ўкувчилари гуруҳи намойиш қилган «Ватан туйғуси» саҳна асари «Энг яхши спектакл» деб топилди.

ОДАМЛАР БИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН
балиқчилик касабачиларнинг шиори шундай

Матлубахон Халилова Қўрғон қишлоғилик Хайрия холанинг уйига яқинлашганда, одимини секинлатди. Касабақўм раисининг кўз олдидан онахоннинг ҳаёти йўли ўта бошлади. Йиғим-терим кезларида қишлоқда унинг олдига тушадиганлар бўлмасди. Бир чойнак чой тугагунча, икки-уч этак пахтани бошида кўтариб чиқиб, тарозибонни шоширарди. Қатор оралариға ишлов пайтлари дугоналари бир-икки эгатни кетмондан чиқаришганда, у уч-тўрт қаторни қўлдан ўтказиб, юзида ним табассум билан эгат бошида елпиниб ўтирган бўларди. Шу сабаб йиғинларда илғорлар қаторида мукофотга духоба, атлас оладиган ҳам Хайрихон эди.

Бугун аянинг кўзлари ожиз бўлиб қолган. Аммо ёзиғим шу экан, пешонага битганини кўраман, деб тушкунликка тушишни хуш кўрмайди. Матлубахон қадам ранжида қилганда, тандирга ўт қалаётган келинига қарашаётган экан. Матлубахон онахонни бағридан бўшатмай, совға-саломларни тутқазиб, қариянинг бошига яп-янги рўмол солди. Сиҳат-саломатлиги, турмуши билан қизиқди. Туман ҳокимлиги ва агросаноат мажмуи ходимлари касааба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида қариялар, ногиронлар, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож кишиларнинг турмуш ва маиший шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган хайрли ишлардан сўзлади. Дийдорлашувдан кўнгли тоғдек кўтарилган онахон дуога қўл очди.

Касабақўм раисининг бир куни бесамар ўтмади. Эшонқишлоқлик собиқ тракторчи Турсунбой Сулаймоновнинг, «Олимбек» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган хонадон соҳибаси Мўътабархон оиласига ташриф буюрди. Турсунбой ака қон босими касаллигидан азоб чекаётган бўлиб, мустақил ҳаракатлана олмасди. Бир пиёла чой устида ҳокимлик, тармоқ қўмитаси саъй-ҳаракати билан эрта-индин қўлга тегадиган ногиронлар аравачаси ҳақидаги хушхабар билан ногироннинг кўнглини кўтарди. Мўътабархоннинг ҳам мушкулини осон қилди. Туман касалхонаси мутасаддилари билан учрашди. Жарроҳлик муолажасидан чиққан қизига бепул дори-дармон етказиб бериш муаммоси ечимини топди.

Тармоқ қўмитаси аҳолининг кам таъминланган қатламлари ижтимоий ҳимоясига изчил ёндошаётганлигига гувоҳ бўлдингиз. Зеро, тармоқ келишувига меҳнат аҳли ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган қўшимча тавсиялар, тузатишлар киритилган. Ҳаракатдаги 30 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси, 192 та цех, 77 та касабачилар гуруҳлари фаолияти шу мақсадга йўналтирилган. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хусусий мулкчиликни рағбатлантириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, даромадларни адолатли тақсимлаш масалаларини жамоа шартномалари орқали ҳал қилиш механизми яратилган.

Ижтимоий ҳимоя кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим босқичидир. Вазифа нафақат ҳақ-ҳуқуқни ҳимоялаш, балки шахсдаги иқтидор ва салоҳият, маънавиятни шакллантириш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамдир. Жамоа шартномалари, келишувларга маданий-маърифий, ташкилий тадбирларнинг алоҳида банд қилиб киритишдан муддао шу. Вилоятдаги нуфузли ташкилотлар - «Бахт» ёшлар маркази, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ижодий ҳамкорликнинг нафи катта бўлди. Агросаноат мажмуи тасарруфидаги ўқув юртлари, саноат корхоналарида, кутубхоналарда кўрик-танловлар ўтказилди.

Хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиш ижтимоий ҳимоянинг асосий шартидир. Жамоа шартномаларига бу ҳақда қўшимча банд қўшилган. Меҳнат муҳофазаси тадбирларига бугунгача 43 миллион сўм сарфлангани, тармоқда ёлланма меҳнат ишчиларининг саломатлиги, дам олиши, зарур имтиёзлар билан рағбатлантирилиши, касабачиларнинг одамларга нафи тегаётганлигидан далолат. Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилотида бўлиб ўтган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мавзуидаги кўргазмали семинар, йилнинг биринчи ярмида техника устахонларида уюштирилган техника хавфсизлиги бурчаклари кўриги бўлиб ўтди. Қишлоқ хўжалик илғорларидан 147 кишининг пойтахт санаторийларида соғломлаштирилиши, тумандаги «Уч соҳил», «Дилором» оромгоҳларида жорий йилда 200 нафар бола бепул дам олдирилиши ушбу тадбирлар сирасига киради.

Ижтимоий ҳимоя

С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Касаба уюшма жонкуярлари



АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

унга эришиш осонмас

ҳуқуқшунос Карим Мухторов қиёфасига чизгилар

Инсон умри нималар билан ўлчанади: бойлик, мартаба ёки фарзандлар камоли, шогирдлар эҳтироми биланми?! Ўз ишининг фидойиси, ажойиб инсон, ҳуқуқшунос Карим Мухторов фаолиятига назар ташлар эканман, инсон умри узунлиги билан эмас, балки, яхши амаллари, эзгу ишлари билан ўлчанишига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси вазифасида ишлаб келаётган Карим Мухторов одамлар мушкулини осон қилиш, вақти келса адолатни тиклаш учун чинакамига кураша оладиган фидойилардан.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлиш осонмас. Баъзида адолатни юзага чиқариш учун ростмана курашиш, ўз нуқтаи назарини ўтказа билиш зарур. Бу эса ҳуқуқшуносдан катта билим, қатъият ва албатта, амалдаги қонунларни пухта билишни тақозо этади. Карим ака эса фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамайди. Соҳа қонунчилигидаги янгиликлар, қонун ва қарорларнинг моҳиятини «Ишонч» газетаси орқали мунтазам шарҳлаб боради.

– Қонун ҳар бир фуқаро учун қалқон, ҳимоя воситаси. Шу билан бирга адолат ва ҳақиқат посбони, – дейди К.Мухторов. – Ҳазрат Амир Темур бобомиз эътироф этганларидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда адолат бўлади». Қонун асосида иш юритиш, унга амал қилиш, албатта, муваффақиятни таъминлайди. Одамларимиз ҳам бугун қонун доирасида яшаш афзалликларини англаб етмоқдалар. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, тармоқ Марказий қўмитамиз ҳаётнинг гултожи бўлган инсонга хизмат қилишни фаолиятининг бош мезони деб билади.

Қонун барчага баробар. Бинобарин, уни тармоқда бирдай бажарилишига эришиш ниҳоятда муҳим масала. К.Мухторов бу ҳақиқатни яхши билади. Одамлар ишончи, бир оғиз ширин сўзи, миннатдор боқиши унга ҳамиша қанот бағишлайди. Шунинг учун ҳам у ана шу самимий, оққўнгил меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни зиммасидаги шарафли бурч деб билади.

Карим Мухторов ҳаётда қанчалик камтар бўлса, эл иши учун курашчи сифатида ниҳоятда қатиққўл. У кам гапиради, аммо сўзи ҳамиша нишонга тегади, кўнгилга яқин. Зеро, ана шу фазилати бўлмаса, адолатни юзага чиқариш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, одамлар саломатлигига оид кенг кўламли ишлар ижросини талаблар даражасида бажарилишини назорат қилиш мушкул бўларди. Ахир сўнгги йилларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳаракати билан қисқа муддат ичида 74 та ёзма шикоят аризалари қонун доирасида ўрганилиб, адолатли ҳал этилди. Жумладан, жорий йилнинг 11 ойида 14 та шикоят хати ўрганилиб, 7 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, севимли касбига қайтди.

– Одамлар сенга ишониб, ҳурмат ва ихлос билан ёрдам сўраб келса, адолат тантана қилиб, қонуний ҳуқуқи тикланиб, севимли ишига қайтаркан, ёруғ табассум билан «раҳмат» деб айтса. Ана шу меҳрли муносабат биз ҳуқуқшуносларга куч-қувват бағишлайди. Янада фидойи бўлишга ундайди, – дейди Карим Мухторов.

Умрининг энг гўзал онлари жанговар, энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари тизимида ўтди. Унинг қисмати эгнидаги халатидек оппоқ қалбли шифокору ҳамширалар, тармоқ ходимлари, қўйингки фидойи халқи, замондошлари тақдири саломатлиги билан боғланиб кетган. У нафақат тармоқ ходимлари, балки элу юртга беминнат хизмат қилиш, адолат тантанаси учун ёрдам сўраб келган фуқароларга қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаш, маошини, нафақа пулини ундириб бериш учун ҳафталаб тегишли идоралар билан музокаралар олиб боради. Аслида ҳуқуқшуноснинг элига, элдошларига меҳри, ўз касбига муҳаббати, шу билан бирга иқтидори, мураккаб дамларда қилни қирқ ёришга етадиган билими нуфузли ташкилотнинг бош ҳуқуқшуноси даражасига кўтарди. Қарийб 44 йиллик фаолияти давомида оддий мутахассисдан етук ҳуқуқшунос даражасига кўтарилди. У ҳеч қачон мансаб, обрў талашмади. Билимини ошириб боришни, қонунларни пухта ўзлаштиришни, улар асосида иш юритишни, соҳа ходимларининг дардига дармон бўлишни энг катта мансаб, лавозим деб билди.

– Ҳуқуқшунос сифатида ҳар қанча ўқиб-ўргансанг камлик қилади, – дейди Карим ака. – Чунки даврнинг шиддат билан ривожланиши қонунларнинг ҳар томонлама мукаммал бўлишини тақозо этмоқда. Ҳуқуқшунос ҳам ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиши, адабиёт ва санъатни чуқур ҳис қилиши зарур. Шундай ҳолатлар бўладики, ҳужжатлар рисоладагидек, барча жараёнлар қонуний ҳал этилган. Аммо қаердадир адолат бузилганлиги боис ходим азият чекмоқда. Бундай пайтда ҳуқуқшунос ақл билан иш юритиши, текширилаётган воқеа-ҳодисаларга кўнгил кўзи билан боқиб хулоса чиқариши зарур, – таъкидлайди мураббий.

Карим аканинг ҳуқуқшунос сифатидаги иқтидори Марказий қўмитада иш бошлагандан сўнг яққол намоён бўлди. Ҳуқуқшуноснинг камтарлиги, одамохунлиги касаба уюшма аъзолари билан муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди. Одамларнинг нуфузли ташкилотга ҳурмати ошди. Муаммолар ўз ўрнида ҳал этилиб, долзарб масалалар корхона ва ташкилот, қолаверса, вазирлик ва мутасадди идоралар олдига дадил қўйилди. Ҳуқуқшуноснинг ишчанлик, ташаббускорлик қобилияти, қатъияти, қонунларни яхши билиши муҳим аҳамият касб этди.

Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида аҳамият беришимиз лозим. Баъзида қонунбузарликлар содир бўлаётгани ачинарли ҳолдир. Республика онкология илмий Маркази ходими Ф.Муҳиддинова вазифасидан ноқонуний бўшатилди. Тармоқ касаба уюшма ҳуқуқшуносларининг бевосита саъй-ҳаракати билан у ўз ишига қайта тикланди.

Ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги ҳам баъзида сунъий тўсиқларни юзага келтирмоқда. Карим Мухторов эса ҳуқуқий маданиятни фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат, деб тушунмайди. Унинг назарида барча қонун доирасида яшаб, фаолият кўрсатсагина, қонунлар устуворлиги таъминланади.

– У хизмат сафари билан республикамизнинг турли бурчакларида бўларкан, тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳа ходимларининг тадбиркорлиги, ишбилармонлик фаолиятига кўтаринки руҳ бағишлаганлигини ўз кўзи билан кўрди. Энг чекка қишлоқлар ҳам бугун ажиб манзара касб этган. Бир-биридан чиройли турар-жой бинолари шинам гузарларга уланиб кетган. Айниқса, янгидан қад кўтарган тиббиёт шохобчаларида замон руҳи акс этиб турибди. Бир вақтдагидек одамлар дардига шифо излаб туман марказига боришга ҳожат қолмаган. Зукко, билимдон, олий маълумотли тиббиёт мутахассислари аҳоли хизматида. Қаердаки, ана шундай меҳнат қилувчига шинам шарт-шароитлар яратилса, у оиласи, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлса, шу ерда ривожланиш бўлади. Меъёрий ҳужжатларда ана шу ҳақиқат ўз аксини топиши зарур. Жамоа шартномалари ана шундай меъёрий ҳужжат. Унда иш берувчи ва ходим манфаатлари тўлалигича акс этиши шарт.

Инсон кўнгли гулдан нозик. Баъзида унга қил сиғмайди, баъзида бутун олам кўнглингга жойланади. Карим ака кучли, қатъиятли ҳуқуқшунос бўлиши билан бирга нозиктаъб шоир ҳамдир. Унинг назмга ихлоси баланд. У нафақат шоирларни, шеъриятни яхши кўради. Ўзи ҳам қалби жунбушга келганда гўзал, жўшқин туйғуларини шеърга солади. Кўнглидан тўкилган инжу туйғулар мисраларга кўчиб ўқувчи қалбини ром этади. Унинг шеърларида узоқ орзиқиб кутилган оппоқ тонг тун пардасини ҳайдаб ўқувчига ҳовуч-ҳовуч нур-зиё ҳадя этади.

Боғларни оралар тоғдан эсган ел,
Шодликни улашар ҳар хонадонга.
Эртанги кун дея меҳнат қилиб эл,
Хирмонни тўлғазар пахтага, донга,-

деб ёзади у. «Она» шеърида эса меҳр маъбудаси бўлган аёлнинг дилбандига муҳаббати ўзига хос нозик кечинмалар билан қаламга олинган. Карим аканинг «Уяламан» шеърини ўқиган киши чуқур ўйга толади. Гўё бу шеър кучли тарбия воситаси сифатида ўқувчи юрагини забт этади.

Ўғилни «ҳунарли», «суннат» қилмаган,
«Уйли-жойли қилиш» нима билмаган.
Уч амалдан бирин ҳам бажармаган,
Оталар боридан, мен уяламан.

Карим ака бағри кенг ҳаётдан завқ олиб одамларга ана шундай эзгуликлар улашиб яшаётган инсонлардан. Унинг шеърлари республика матбуотида чоп этилган.

Карим Мухторов Абдураҳмон Жомийнинг:

Шамдек бўл, шамни кўр, кўйиб қалбу тан,
Ўзгалар йўлини қилади равшан,

деган ҳикматини такрорлашни яхши кўради. Ўзи ҳам одамларга зиё, эзгулик улашиб яшашни шараф деб билади.

Амина ҚОДИРОВА

ЖАЖЖИ МАЛИКАЛАР САҲНАДА

Юз-кўзларидан болаларча беғуборлик, ажиб гўзаллик ва жаннатий софлик уфуриб турган жажжигина қизалоқ — жажжи малика саҳнага чиқиб келади. Жаҳон мусиқа санъати дурдонаси бўлмиш бетакрор куй жаранглайди. Қизалоқнинг навога ҳамоҳанг тарздаги ҳатти-ҳаракатлари худдики катта рақкосалар ҳаракатини эслатиб юборади. Сўнг томошабинларнинг тинимсиз олқиши, қарсакларидан мухташам зал жунбушга келади...

Бу пойтахтимиздаги офицерлар уйи концерт залида бўлиб ўтган «Кичкинтой малика» танловида намойиш қилинган дастурлардан бир лавҳа эди, холос. Бинобарин, тадбир давомида бу каби ўнлаб ажойиб саҳна кўринишлари, бадиий чиқишлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Жажжи иштирокчиларнинг, айниқса турли миллатларга мансуб рақсларни ўзига хос маҳорат билан ижро этишлари, шунинг баробарида Пушкин, Анна Ахматова сингари буюк шоирларнинг шеърларини ўқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, йилнинг турли вақтлари - фасллар ҳамда ойлар хусусиятларини ўзида мужассам этган либослар кўргазмаси ҳам кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Танлов Капиталбанк, «Спартак-стил» қўшма корхонаси, «Аловуддин» ёшлар клуби, «Пресстиж» газетаси, «Тип-топ» савдо белгиси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда ҳал қилувчи босқич йўлланмасини қўлга киритган 6 ёшгача бўлган 16 нафар қиз иштирок этди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, танловнинг 13-рақамли қатнашчиси, Тошкент шаҳар

Ҳур Ўзбекистон болалари

Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Севара Тўлқинжонованинг иштироки ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Чиндан ҳам 6 ёшли Севаранинг санъатга бўлган қизиқиши, иқтидори юксак. Ёш бўлишига қарамасдан ҳозирги вақтда инглиз тилини ўрганмоқда. Буңдан ташқари, гимнастика тўгарагига қатнашади.

- Бу танловда биринчи марта қатнашишим, - дейди Севара. - Унда иштирок этиш менга жуда ёқди. Айниқса, Янги йил совғалари ажойиб экан.

Танлов жонли, ғоятда қизиқарли ўтди. Тадбир ниҳоясида барча жажжи маликаларга ҳомийлар томонидан таъсис қилинган қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиб ҳамда совриндорлар келгуси йили «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтадиган катта гала концертда эълон қилинади.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири
Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

«КАРАТЭНИНГ ҚИЙИН ЙЎЛИ»

Умуман Нурхонни нима учун ҳурмат қиламан, биласизми? Унинг 34 ёшида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози унвонини олгани ёки Марказий Осиёда биринчи ва ҳозиргача ягона 6-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлгани учун эмас: Нурхон ўзи ва Миллий Федерация атрофига шу пайтгача тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб кéлган, табиати, дунёқарашига кўра бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган инсонларни бирлаштира олди. Уларнинг кучи, билими, салоҳиятини бир мақсад сари йўналтира билди. Ваҳоланки, улар Ўзбекистоннинг унча-мунча мутахассисларини тан олавермайдиган, ўзларига беҳад ишонган шахслар эдилар. Нурхонга эса ишондилар ва адашмадилар».

Китоб яхлит асардек ўқилади. Ундаги воқеа ва ҳодисалар ўқувчини изтиробга солади, чуқур ўйларга толдиради. Айниқса, устознинг ҳар бир сўзида ҳаёт ҳақиқати, каратэнинг қийин, аммо шарафли йўли фақат оддийлик, ҳалоллик, садоқат йўли эканлиги алоҳида уқтирилади.

Каратэга юксак меҳр-муҳаббат, бу йўлдаги машаққатларни маҳорат билан эгаллаш, бу гўзал, айни пайтда мураккаб спорт турининг нозик сирларини эгаллаш, дунёда ўзбек номи билан ҳурмат, эъзоз топмоқ, энг муҳими, каратэ Миллий Федерацияси нуфузини юксакка кўтариш орқали ватанпарвар ёшларни тарбиялаш Нурхон Нафасов умрининг мезонига айланганлиги китоб саҳифаларини нурлантириб туради. Айниқса, «Ғурур»

(Боши ўтган сонларда)

боби ўқувчи қалбини ларзага солади, уларни Ватан, миллат йўлидаги улуғ, залворли ишларга чорлайди.

Ўзбекистон каратэ усталарининг Халқаро мусобақаларидаги дастлабки муваффақиятлар, ишончли далиллар билан ҳикоя қилинади. «Йилдан-йилга ютуқлар салмоғи фақат ижобий томонга ўзгарди, - деб ҳикоя қилади муаллиф. - Спортчиларимиз нуфузи ортди. Аввалига бизни менсимайроқ қабул қилганлар бора-бора тажриба алмашиш, спорт делегациялари орқали ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифлар билан Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерациясига тез-тез мурожаат қила бошладилар».

Фахр

Ҳақиқатан ҳам каратэ соҳасида Республикамиз спортчилари улкан муваффақиятни қўлга киритдилар. 1996 йилдан 2004 йилнинг феврал ойига қадар ўзбекистонлик каратэчилар қирқдан ортиқ халқаро мусобақаларда қатнашдилар. Қўлга киритилган олтин медаллар сони 130 дан ортиб кетган бўлса, кумуш нишонлар миқдори 100га яқинлашиб қолди. Эгалланган совринлар ичида бронза медалларининг атиги 15 тага яқинлиги ҳам спортчиларимиз маҳорати, истеъдоди юқорилигининг яна бир исботидир.

Китоб Ўзбекистон ва унинг фидойи Президенти ҳақида ифтихор туйғулари билан ёзилган. 1999 йилнинг 16 февралида Тошкентда содир этилган қўпорувчилик ҳаракати барча ўзбек халқи қатори каратэчиларни ҳам ларзага солганлиги, айниқса, маҳорат билан қаламга олинган. «Бу жиноят ўзбек ёшларига, демакки, келажакка қарши уюштирилган қабиҳлик эди, - деб ёзади муаллиф. - Аммо улар ниятларига етолмадилар. Мамлакатнинг барча фуқаролари,ёшу қариси мустақиллик учун, Ватан учун жон фидо қилишга ҳам тайёрман, дея фидойилик намунасини кўрсатган Президенти атрофига жипслашди. Унга содиқ қолди. Худди шундай ўзбек каратэчиларининг 1999 йил мобайнида улкан ғалабалари ҳам ўз довюрак, мард Юртбошисига бўлган садоқат рамзи эди.

Ўзбекистон ёш каратэчиларининг эришган ютуқлари, «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, чунки улар Мустақил Ватанимизнинг, юртсевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади», дея таъкидлаган буюк Йўлбошчиларига билдирган садоқатлари белгиси эди».

Китобда ҳикоя қилинишича, ўша йили ўзбек спорти тарихида ўзига хос рекорд ўрнатилиб, 64 медални қўлга киритган юртимиз вакиллари жаҳон татамиларидаги ғалабалари билан ўзбекни тиз чўктириб бўлмаслиги, унинг боши ҳеч қачон эгилмаслигини кўрсатиб қўйдилар. Аслида бу туйғулар озодлик, эркинлик, ҳурликка бўлган садоқат тимсоллари эди. Шундай оғир дамларда Ватанга суянч, қанот, мадад бўлиш иштиёқида ёнган ёш спортчиларнинг шижоатлари, мардликлари, ўзига хос жасоратлари, қолаверса, улуғ ғалабалар Ватан ва унинг Президентига аталган эди. Чунки Ўзбекистон Президенти истиқлолнинг илк дамларидан бошлаб спортга, ёшлар тарбиясига мамлакат сиёсати даражасида эътибор берди.

Аслида ўзбек спорти, унинг якка кураш тури каратэнинг янги поғоналарга кўтарилиши ҳам ана шу ғамхўрликнинг натижаси эди.

Ўзбек матбаачилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида нашр этилган ушбу суратли, безакли китоб соғлом авлод учун ниҳоятда зарур бўлган асарлардан ҳисобланади. Негаки, бундай китоблардан халқ куч олади, қувватланади, ўзлигини танийди. Қани эди, элнинг ғурурини кўтарадиган, ёшларга фахр-ифтихор бағишлайдиган ана шундай китоблар кўпайса. Ёшларимиз маънан юксалиб, руҳан покланиб, истиқлол ғояларига муносиб авлод бўлиб вояга етарди.

А.НАБИЕВА

Хабарингиз бор, шу йил 3 октябр куни Абхазияда президент сайлови бўлиб ўтган эди. Сайловда иккита номзод қатнашди. Бири ҳукумат сиёсатини қўлловчи Раул Хажимба, иккинчиси мухолифат вакили Сергей Багапш. Овоз бериш якунига кўра, марказий сайлов комиссияси Сергей Багапшни президент сайловининг ғолиби деб эълон қилди. Бироқ, Раул Хажимба ва унинг тарафдорлари сайловда сохталаштиришга йўл қўйилган деб ҳисоблаб, рақибнинг ғалабасини тан олишмади. Хажимба очиқ-ойдин: «Қўл қовуштириб ўтирмайман, курашни ғалаба қилгунимча давом эттираман» деса, Сергей Багапш ўзини қонуний сайланган президент деб ҳисоблай бошлади. Бир сўз билан айтганда, айнан Украинадаги каби ҳолат юзага келди. Хатто, рақибларни ва тарафкашларни сиртдан туриб кузатаётган ҳамда оғзаки равишда қўллаб-қувватлаётган ҳайбаракаллачиларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам ўхшашлик бор эди.

Шарҳловчи минбари

РАҚИБЛАР ТИЛ ТОПИШДИ

Бундан руҳланган тарафкашлар вазиятни тобора чигаллаштириб, ҳатто қуролланиш даражасига боришди. Қарама-қаршиликнинг кучайиб бориши ноқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарди. Шу йил 12-ноябр куни Сергей Багапш тарафдорлари ҳукумат биноларини қамал қилишди. Сухумида қуролланган гуруҳлар пайдо бўлиб, тартибсизликлар юзага келди. Шунга қарамасдан, ҳукумат ҳарбий куч ишлатишдан тийилиб турди. Жамият эса иккига бўлиниб қолди. Бўлиниш ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимларида ҳам кузатилди. Оммавий ахборот воситалари тизимларида ғалати ҳолат юз берди. Жумладан, Сухумидаги телемарказни Сергей Багапш тарафдорлари эгаллаб олишган бўлса, Пицунда ва Тквечелидаги телеминораларни Раул Хажимба тарафдорлари назорат остига олишди. Россия билан Абхазия ўртасидаги чегара ёпиб қўйилди. Москва билан Сухуми ўртасида йўловчи поезд қатнови тўхтатилди. Айни мандарин ҳосили ғарқ пишган пайтда абхазлар даромад олишдан маҳрум бўлишди. Чунки, мандарин асосан Россия шаҳарларига олиб бориб сотиларди.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис бир вазиятда Абхазия Олий суди 2004 йил 3 октябр куни бўлиб ўтган сайловнинг натижасини қонуний деб топди. Парламент эса Сергей Багапшни ғолиб деб эълон қилди ва янги президентни шарафлаш маросимини шу йил 6 декабр кунига белгилади. Амалдаги президент Владислав Ардзинба шундан бир неча кун олдин такрор сайлов ўтказиш тўғрисида фармон қабул қилган эди. Фармон эътиборсиз қолдирилди. Рақиблар ўтган сайловда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, натижани қайта кўриб чиқиб, ҳақиқатни ойдинлаштиришни ҳам, такрор сайлов ўтказишга розилик беришни ҳам хоҳлашмади. Хуллас, бу мураккаб муаммонинг ҳеч қандай ечими йўқдай кўринди.

Шу пайтгача рақибларни қўллаб-қувватлаб келишган тарафкашлар ҳам мушкул аҳволда қолишди. Хўш, энди нима қилиш керак?! Агар муроса йўли топилмаса, кескинлик кучайиб бораверса, фуқаролар уруши чиқиб кетиши мумкин. Чунки, ҳар иккала рақибнинг ўз қўллайдиган одамлари, энг ёмони, ўз қуролланган гуруҳлари бор. Ана шундай ўта кескин бир вазият юзага келган пайтда Сергей Багапш ҳам, Раул Хажимба ҳам кутилмаганда кавказликларга хос қатъиятлилик ҳамда ирода кучини кўрсатишди. Яъни, улар ўжарликни енгиб, муросага келиш учун қўлни-қўлга беришди.

Шундай қилиб, кечаги рақиблар бугун мулоқот учун йўл излашди. Бунда уларга Россиядан келган вакиллар воситачи бўлишди. Ҳўш, энди нима қилиш керак?! Агар муроса йўли топилмаса, кескинлик кучайиб бораверса, фуқаролар уруши чиқиб кетиши мумкин. Чунки, ҳар иккала рақибнинг ўз қўллайдиган одамлари, энг ёмони, ўз қуролланган гуруҳлари бор. Ана шундай ўта кескин бир вазият юзага келган пайтда Сергей Багапш ҳам, Раул Хажимба ҳам кутилмаганда кавказликларга хос қатъиятлилик ҳамда ирода кучини кўрсатишди. Яъни, улар ўжарликни енгиб, муросага келиш учун қўлни-қўлга беришди.

Шундай қилиб, кечаги рақиблар бугун мулоқот учун йўл излашди. Бунда уларга Россиядан келган вакиллар воситачи бўлишди. Рақибларнинг ўзлари тил топишганлиги Абхазияни инқироздан сақлаб қолди.

Ўрни келганда, энди бир нарсага изоҳ бериб ўтмоқчимиз. Хўш, Грузия таркибидаги Абхазия нега кўпдан бери жаҳоннинг диққат эътиборида бўлиб келяпти?! Гап шундаки, илгари собиқ иттифоқдош республикалар бирин-кетин озодликка чиқиб, ўзларини мустақил деб эълон қилганлигидан руҳланиб кетган абхазлар ҳам мустақиллик истаб қолишди. Улар ташқи кучларнинг қўллаб-қувватлашига умид қилиб, Абхазияни Грузиядан мустақил деб эълон қилишди ва Владислав Ардзинбани президент этиб сайлашди. Бироқ, Абхазиянинг мустақиллигини бирорта ҳам хорижий давлат тан олмади. Ҳозир ҳам Абхазия халқаро ҳамжамият ва МДҲга аъзо давлатлар учун Грузия таркибидаги мухтор республика ҳисобланади. Аммо ташқи кучларнинг аралашуви барибир мухторияттаги вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Грузия билан Абхазия ўртасида можаро келиб чиқди. Энг ёмони, грузинлар билан абхазлар ўртасида ишонч йўқолди. Минтақада қалтис вазият юзага келди. Бу вазият ҳамон сақланиб турибди.

Шубҳасиз, Грузия ҳукумати мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш чорасини изламоқда. Абхазия - бу муаммони ҳал қилиш йўлида тўсиқ бўлиб турган оғриқли нуқталардан бири. Тўсиқни олиб ташлаш эса осон эмас. Бироқ, Грузия президенти Михаил Саакашвили бу ишга астойдил киришган кўринади. Владислав Ардзинбанинг раҳбарлик ваколати тугади. Демак, Саакашвили ўз режасини амалга ошириш учун Абхазиянинг янги сайланадиган раҳбари билан жиддий мулоқот олиб боришига тўғри келади. Ажаб эмас, рақибларнинг ўзаро тил топишишига сабаб бўлган янги сайлов минтақада тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилса?!

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи

Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси 78-уйда жойлашган

САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КЕНГАШИ

ўз акциядорларига

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

1.Савдогарбанк Устав капиталида хорижий таъсисчини қўшилиши ва хорижий таъсисчини қўшилиши ҳисобига банк мақомини ўзгартириш тўғрисида.

2. Қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига Савдогарбанк Устав капиталини ошириш, эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш тўғрисида.

3. Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Банк Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Йиғилиш 2005 йил 22 январ куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси 78-уйда ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчилари 2005 йил 22 январ куни соат 8.30 дан 9.45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 22 декабр ҳолатига тузилиб, акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Маълумот учун телефонлар 54-18-65, 133-72-07
БАНК КЕНГАШИ

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Янги йил барака йили бўлсин. Оллоҳ назари тушган муборак замин, фидокор халқимиз осуда ҳаёт кечирсин.

Янги йил байрамингиз билан, азизлар!

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Жондан азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин. Эзгу мақсад йўлидаги барча саъй-ҳаракатингиз ҳамиша бароридан келсин!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Эзгу ниятлар ва кўтаринкилик кайфиятда кутиб олинаётган Янги йил барчангизга омад, бахт-саодат олиб келсин.

2005 йил ҳар томонлама омадли, хосиятли йил бўлсин!

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

«Ўзбекистон шампани»нинг кўп йиллик ишланмалари натижасида Тошкент заводи йилдан-йилга бу мўъжизакор ичимликнинг мижозларини хушнуд этмоқда.

Маълумки, узум шинниси кондицияси учун иқлим асосий омил ҳисобланади, бинобарин, виночилик йўналиши унга чамбарчас боғлиқ бўлиб, замин эса вино маҳсулотлари сифатига таъсир этиши табиийдир.

Мазкур масалада жаҳон тажрибаси ва қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз шароитида чекланган ҳисобланувчи, узумнинг ширадорлиги камаядиган ва шиннидаги кислота миқдори кўпаядиган тоғолди минтақаларига кўпроқ эътибор берилди.

Тарихий жиҳатдан ривожланган узумчилик ҳудудларидан, айниқса Самарқанд, Тошкентнинг Заркент, Паркент ва Наманган вилоятларининг тоғолди ҳудудларидаги узумнинг айрим маҳаллий навларидан бағоят самарали равишда фойдаланиб келинмоқда. Бу навлар, уларнинг максимал ҳосилдорлиги ҳамда юқори сифатли энг кўп

шинни берадиган навлардан таркиб топувчи, шампан виноси деб аталишга лойиқ бўлган вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон ер юзидаги беқиёс ўлка - узум ва виночилик маҳсулотлари етиштирувчи кўҳна ва ажойиб макондир. Бу ернинг табиати барча турдаги узумларни етиштириш, юқори сифатли қуритилган маҳсулотлар, шунингдек турли хил винолар, шу жумладан шампан виноси тайёрлаш учун зарур бўлган энг эртапишар навлардан тортиб, энг кеч пишувчи ҳосилларни етиштириш учун мақбул шароитлар бор.

Узум винолари ичида мавжланувчи вино - «Ўзбекистон шампани» алоҳида юксак ўринни эгаллайди. Босим остида бўлган, зарқоғозга ўралган чидамли шишадаги бундай винолар кўҳна тарихга эга бўлган. Жумладан, кейинчалик ишлаб чиқарилган «Олтин фаввора» шампани, «Эвридика» ним ширин виноси, «Заркент гавҳари» қизил хўраки виноси, янги «Нафис», «Нежность» каби газланган вино ичимликлари ишлаб чиқарилмоқда.

2005 йилнинг I-чорагидан бошлаб, янги «Артемизия» ва «Цитрония» газланган вино, «Мафтуна» ним ширин виноси ичимликлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

- Аввалари, юқорида айтиб ўтилган Заркент, Паркент, Наманган, Самарқанднинг тоғолди ҳудудларидан вино хомашёлари олиб, уларга технологик ишлов бериб, вино маҳсулотлари тайёрланган бўлса, бу йилдан бошлаб, Заркент ширкат хўжалигидан узум шарбати сотиб олиниб, корхонамиз технологлари, лаборант ва муҳандислари томонидан вино хомашёсини Янги усулда тайёрлаб, ҳам арзон, ҳам сифатли қилиб, халқимизнинг янги йил дастурхонига тортиқ қиламиз, - дейди завод бош муҳандиси Фаридун Нормуҳамедов.

2004 йилнинг август ойида Ялта шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро нуфузли конкурсда «Ўзбекистон Шампани» бронза медалига, «Эвридика» маҳсулоти эса кумуш медал ва дипломлар билан тақдирлангани корхона обрўсини янада оширди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» Холдинг компаниясига қарашли «Ўзбекистон Шампани» - 1996 йилда очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1998 йилда ўрнатилган Германиядан келтирилган KXS қуйиш ускуналари ўрнатилгач, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати янада яхшиланди.



2003 йилда, ёш иқтисодчи Анвар Ботировни 200 кишилик корхонага раҳбар этиб тайинлашди. Анвар Ботиров тутган иш режаси ойма-ой ўз самарасини кўрсата бошлади. Кўп ўтмай йилнинг III-чораги ҳисоби бўйича корхона бор қарзларидан узилиб, ҳозирги кунда фойда ҳисобига ишламоқда.

Бу ишларда корхонанинг етакчи мутахассислари Ҳ. Обидов, Т. Салма, Г. Хайрутдинова, Б. Усмонов, ишчи-хизматчиларидан М. Аҳмедова, М. Арбузова, А. Подустов, С. Хохлов сингари кўплаб ходимларнинг хизмати катта. Яқинда корхона ишчи-хизматчилари учун барча қулайликлар яратилган дам олиш, сауна, спорт заллар таъмирланиб, ишга туширилди.

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ - ХОЛДИНГ»

холдинг компаниясининг «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги 2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили билан чин қалбдан табриклайди.





КАСАБА УЮШМА САМБОЧИЛАРИ

яна ғолиблик шоҳсупасида

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар

Куни кеча пойтахтимиздаги МХСК спорт заллари да самбо кураши бўйича фахрийлар ўртасида Ўзбекистон шахсий биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 150 нафарга яқин самбочилар иштирок этди. Баҳсларда касаба уюшма вакиллари ҳам муносиб қатнашдилар.

Мамлакатимиз фахрий самбочилари халқаро майдонларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Маълумки, ҳар йили ўтказиладиган фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида вакилларимиз 1996 йилдан буён қатнашиб келади. Терма жамоа аъзолари таркибида касаба уюшма спортчилари ҳам халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2003 йил Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида бухоролик Нурмуҳаммад Юсупов шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олганди. Бу йилги чемпионатда ҳам у ғолибликни қўлга киритди. Умуман бу йил Тожикистонда ўтган баҳсларда терма жамоамиз аъзоларидан 23 нафари совриндорлар сафидан жой олди. Улар орасида Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва комуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг икки нафар вакили ҳам бор.

Ўзбекистон шахсий чемпионатида ҳам ушбу тармоқ вакиллари муносиб иштирок этди. Улар учта олтин, иккита кумуш медални қўлга киритди. Мусобақаларда ўз вазн тоифасида «Сувоқава» корхонаси ҳайдовчиси Георгий Писчасов, Тошкент шаҳар йўл қурилиш корхонаси слесари Жаҳонгир Пирназаров, касаба уюшма шаҳар қўмитаси спорт йўриқчиси Михаил Алиевлар ғолиб чиқди. Шаҳар йўл қурилиш-таъмирлаш корхонаси электриги Валерий Бекетеев ҳамда Марказий қўмита ташкилий ишлар бўлим бош мутахассиси Зайниддин Ўринбоевлар кумуш медални қўлга киритди.

– Тармоқ Марказий қўмитамиз қошида ташкил этилган фахрийлар гуруҳимиз миллий кураш ҳамда самбо кураши мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда, - деди З.Ўринбоев. – Ўтган йилги натижалардан кўра бу йил анча яхши иштирок этдик. Тармоғимиз вакилларидан Жаҳонгир Пирназаров ҳамда Михаил Алиев бу йилги жаҳон чемпионатида совриндорлар сафидан жой олди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Биз билган, билмаган дунё

«МУНШАОТ» - НАВОИЙ ҲАЁТНОМАСИ

Бу воқеа содир бўлган пайтда Навоий Машҳадда эди. У зудлик билан подшоҳга хат ёзади: Бовужуди бу, ҳол сўрмоққа дағи рухсат ҳосил эрмас ва кўрмакка дағи ижозат бермас. Аммо тириклик ғаниматдур. Бу фақат қўлимдан келганча ҳаракат қилдимки, шундай фалокатлар рўй бермасун деб, бироқ тақдир шу воқеага олиб борди - фойда бермади. Чунки қазо шу ҳадисага сабабчи бўлгани учун ҳам натижа бермаган. Инди илтимос шулки, тангри таоло тақдирига ризо берилгай ва барча қусурларни ўз нафсидин кўрилгай. Дағи қилғон-қилмағон ношоиста ишдан тангри таоло ҳазратида тавба қилилгай ва бўлғон-бўлмағон нобойистадин Худойи таоло даргоҳида инобат воқеъ бўлғай... Ўзингизга таскин бериб, ғусса туғёнида тенгри ёди била иштиғол кўргузгайсизким, оз фурсатда азим ёруғлар етишгай, деб густохлик (андишасиз) қилилди, вассалом».

Юқорида Навоий шахсан ўзи саройда туғилиши мумкин бўлган ижтимоий фалокатнинг олдини олиш учун қўлидан келган сулҳ ҳаракатларини ишга солганлигини эслатиб ўтган эди. Чиндан ҳам Султон Ҳусайн билан Бадиуззамон ўртасидаги кураш узоқ йиллар давом этиб келган эди. Уларни келиштириш учун Навоий неча марта хат ёзишдан ташқари, Бадиуззамон ҳузурига элчи сифатида борган ҳам эди. Мана, ана шундай ота-бола можаросини юмшатувчи ўта сермазмун бир руқъа (хат)нинг мазмуни билан танишайлик:

«...Пайғамбар буюрибтурким, тенгри таоло ризоси ота ризосиға вобастадир. Тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастадир. Кимки, ота ризосин ҳосил қилса тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай. Аммо ота ғазабига учраса, тенгри таоло ғазабига учрамиш бўлғай. Шундоқ бўлгандан кейин нечук ота ризосидин айру дам урғай, ё қадам қўйғай. Машойихларда шундай сўзлар борки, отанг парвардигорингдур, бу жиҳатдинки, тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфулиятдин жаббоб синниғача парвариш бергувчи ул. Ва Ҳаким Сулаймон сўзидурким, ота қодири қюм, она Розиқи марсум (ризқ берувчи) ва адиб Аҳмад (Югнакий) дебтурларким:

«Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса хато.
Атонинг хатосин билгил савоб,
Сени юз балодин қутқаргай Худо».

(Боши ўтган сонда).

Ҳатто, Навоий Иброҳим Халилуллоҳнинг отаси будтарош бўлса ҳам, ўғли уни Исломга даъват этиб, насиҳат қилаётганда «отанга таъзим қилиб, мулойим гапир» деган нидо ғойибдан эшитилганлигини ҳам мисол қилиб келтиради. Бадиузамон амир Алишерга бўлган зўр ҳурмати туфайли унинг сўзларига қулоқ солади ва отасининг амри фармонидан чекинмасликка сўз беради. Бироқ битиб қолган иш Султон Ҳусайннинг бир эҳтиётсиз ҳаракати билан бузилади. Султон Ҳусайн ўғлининг ов қилиш учун шаҳардан ташқарига чиққанлигидан фойдаланиб, унинг қутволи бўлмиш Ислом барлосга маҳфий фармон юбориб, дарвозаларни беркитиб, шаҳзодани шаҳарга киргизмаслик чораларини кўришга буйруқ беради. Бадиузамон бундан воқиф бўлгач, ниҳоятда ғазабга келиб, отаси томон юриш қилишга аҳд қилади. Ота-бола можаросини эпақага келтиролмаган Навоий беҳад ҳафа бўлиб, йиғлайди.

Навоийнинг Бадиуззамонга меҳри-муҳаббати бошқача бўлади. Аслида кўп масалаларда унинг ҳақ эканлигини ҳам билади. Бироқ Султон Ҳусайнни йўлдан урадиган Хадичабегим ва уни қўллаб-қувватловчи Низомулмулкка ўхшашлар ниҳоятда кучли эди. Шу боисдан ҳам Навоий Бадиузамонга ўзини яқин тутиб, расмий ва норасмий тарзда бир неча хатлар ёзади. Мана фикримизни тасдиқлайдиган яна бир хат:

«Бу хатнинг ёзишимдан мурод шуки, бу банда доим сизга давлатхоҳлик сўзини айтиб келганман. Сизни умру давлатдин бархурдор тилаб, дуо қиламан. Агар сиздан бирор номуносиб иш кўрган бўлсам, сизнинг ўзингизга айтиб келганман. Китобларимда насиҳатлар назм қилиб сизга топширганман». Бу гапларни ёзгандан кейин Навоий шаҳзоданинг қатор камчиликларини ётиғи билан намоён этиб боради.

Амир Темурдан қолган таомилга кўра, мамлакат ҳукмдорининг қўлида нечта вилоят ва нечта шаҳар бўлса, у ерларга қўйиладиган ҳукмдорларга мустақиллик берилган эмас. Ҳатто, Шоҳрух замонларида ҳам тартиб ана шундай давом этиб келган. Султон Ҳусайн Бойқаро тасарруфидаги бутун ерлар ҳам унинг ўғиллари томонидан бошқарилса-да, уларга мустақил ҳукмдорлик қилиш изни берилмаган эди. Бадиузамон умри давомида мустақил шоҳ бўлиш илинжида отасига қарши кўп нохушликлар етказишга уринган шаҳзода. Бироқ Навоийнинг аралашуви туфайли бу ҳаракатлар ҳар сафар барҳам топиб борарди. Одатдаги келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Навоий яна Бадиузамонга хат ёзиб, унинг ноҳақ томонларини ўзига кўрсатиб беришга муваффақ бўлади: «Бу учурда бир неча иш Сиз тарафингиздан содир этилди. Бири буким, вилоят молини бемаслаҳат йиғишга киришгансиз. Уч-тўрт кундан бери сиз томондан бирор киши келишини кутдик. Агар бу борада, имойи қилсангиз эрди, йўқ дейилмағуси эрди. Яна Астроободга одам юборманг, бу молларни бермайман, деб ёзибсиз. Бу гапларни ҳам мулойимроқ қилиб ёзсангиз бўларди. Яна шуки, нишонингиз «тўғро»сида Мирзо отини қайд этмагансиз. Сиздек оқил, хуштабъ мусулмонваш йигитдан мундоқ нималар раво бўлғайму? Ота билан ўғилдан, ўғил билан ота орасида фарқ бор. Сиз Бойсунқур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур Мирзодек эмассиз. Ёки Улуғбек Мирзо фарзандларидан Абдуллатиф Мирзодек, ёхуд Жаҳоншоҳнинг ўғли Ҳасаналидек ҳам эмассиз. Мирзонинг бутун эътимоди сизда. Отангиз ҳозир ҳам Амир Темур бобосининг номини хутбада ўқиттириб, унинг руҳига ҳар жума куни масжидда дуо қилдириб туради. Сиз эса нишонингиз «тўғро»сидан Мирзонинг муборак номини чиқорурсиз. Сиз агар Ироқдан Маккагача, ундан Мағрибгача бўлган ерларни тасарруф этган чоғингизда ҳам бундай ишга қўл урмаслигингиз лозим эди. Агар отангизни заиф подшоҳ деб хаёл қилсангиз, тангри таоло кучлидир. Фарзанд заифлигида отасига хизмат жонсипорлик қилиши керак».

Бу номада Навоий эл-юрт нафи учун қанчалик куйиб-пишиши, ёлворишлари, қатъиятлари шундоққина кўриниб турибди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди
(Давоми бор).

Бойчечак



ҚУЁШИМ ОНАМ

Дунё бўлди дунё ўзидан кечиб,
Сиз ҳам дунё каби ягонам онам.
Ногоҳ дилгинамни қўйсам оғритиб,
Босиб бағрингизга бўлдингиз малҳам.

Мен ҳам юргум албат Сиз юрган издан,
Қалбингизда меҳр мавжланар гўё.
Она, бир умрлик қарздорингизман,
Изларингиз қилгум кўзга тўтиё.

Кошки сочларимдан тўқиб поёндоз,
Киприкларим унга кокила қилсам.
Ёқут чечакларни айлаб унга мос
Юрган йўлингизга гулдек сочилсам.

Ўз-ўзимга бергум ҳар лаҳза савол,
Узолдимми қарзим тирноқча қадар?
Чарчоқ юрагингиз ўрнига дарҳол
Юрагим жойлардим бўлсам сеҳргар.

Кўзингизга қўйиб кўзим гавҳарин,
Таскин топар эдим бўлса гар имкон.
Омонат умримнинг осуда даврин,
Ҳадя этиш бахтдир Сизга, онажон.

Ҳар дам талпинганим қуёшим, онам,
Дўстим, ғаниматим, сирдошим онам.

Гулноза АБДУЛЛАЕВА,
Китоб шаҳри

Эшитдингизми, ўқидингизми?

ЗЕЙТУЛЛАЕВ, АЛИҚУЛОВ, МИРХОЛДИРШОЕВ...

Миллий терма жамоамиз аъзоси, иқтидорли ярим ҳимоячи Илёс Зейтуллаевга Италия «А» серияси вакили - «Режина» клубидан таклиф тушган. Мухлисларга яхши маълумки, футболчимиз уч йилдан бери «Ювентус»нинг ўринбосарлари сафида тўп сураётган, маълум сабабларга кўра асосий таркибга киритилмаётган эди. Энди Илёс учун янги жамоада фаолиятини давом эттириш имконияти пайдо бўлди. Италияда трансфер бозори очилгач, у «Режина»га ўтиши мумкин.

«Пахтакор»нинг иқтидорли футболчилари Асрор Алиқулов ва Сервер Жепаровларга Германиянинг «Айнтрахт» жамоасидан таклиф тушганидан хабарингиз бордир. Германия иккинчи дивизионида қатнашаётган жамоанинг бир ҳафталик кўригида бўлган футболчилар куни кеча юртимизга қайтиб келишди.

Якунланган чемпионат тўпурари бўлган Шуҳрат Мирхолдиршоев келгуси мавсумни Қозоғистонда бошлаши кутилмоқда. Ҳужумчини «Қайрат» ўз сафига қўшиб олмоқчи. Ҳозирги пайтда Ш.Мирхолдиршоев қозоғистонликлар таркибида ўқув-йиғинини ўтказиш учун БААга жўнаб кетган.

ФИНАЛДАН АВВАЛГИ ФИНАЛЛАР

Ўтган ҳафтанинг жума куни УЕФА қароргоҳида Европа чемпионлар лигаси ҳамда УЕФА кубогининг кейинги босқич беллашувларига қуръа ташланди. Қуръа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида муваффақиятли қатнашган 16 жамоа ҳамда футбол мухлислари, қолаверса, мутасаддиларга кутилмаган натижаларни туҳфа этди.

1/8 финал жуфтликлари:
«Реал» (Испания) - «Ювентус» (Италия)
«Ливерпул» (Англия) - «Байер» (Германия)
«Бавария» (Германия) - «Арсенал» (Англия)
ПСВ (Голландия) - «Монако» (Франция)
Ўйинлар 22 феврал ва 9 март кунлари ўтказилади.
«Барселона» (Испания) - «Челси» (Англия)
«Манчестер Юнайтед» (Англия) - «Милан» (Италия)
«Вердер» (Германия) - «Лион» (Франция)
Ўйинлар 23 феврал ва 8 март кунлари ўтказилади.
«Порту» (Португалия) - «Интер» (Италия)
Ўйинлар 23 феврал ва 15 март кунлари ўтказилади.

Биласизми?

СЕҲРГАРЛИК АМАЛЛАРИ

Сеҳргарликнинг ватани Миср бўлган. Бу ерда унга катта эътибор берилиб, ихлос билан қаралган. «Сеҳргар» атамаси ҳақида биринчи «тақриз» папирус қоғозига ёзилган бўлиб, у ҳозир Британиянинг давлат музейида сақланмоқда.

Унда эрамиздан 5 минг йил муқаддам сеҳргар – кўз бойлоғич Чатча Эм-Анкнинг қирол Ху-Фуга намойиш этган мўъжизалари ҳақида битилган. Ўша мўъжизалар ҳам бугунги сеҳргарлар амалларига ўхшаб кетади.

Сеҳргарлар ўз кучларини, маҳоратларини синаб, бир-бирлари билан мусобақалашиб кўрганликлари ҳақида «Муқаддас китоб»да ҳам сўз юритилган. Унда кўплаб мўъжизалар намойиш этилгани ва бу мўъжизалар халққа худо томонидан сеҳр-жоду тарзида берилгани қайд этилган.

Миср, Бобил, Римдаги ибодатхоналарнинг ер ости йўлларида ҳамда девор ораларида ҳозирги давргача сақланиб қолган сеҳр-жодуликнинг «сир»лари аниқланган. Маълумотларга кўра, бу сирларни диндор-руҳонийлар бир-биридан қизғаниб яширганлар ва фақатгина ўз меросхўрларига тушунтириб келганлар. Баъзи ибодатхоналардаги сеҳргарлик амаллари ўз даврининг замонавий техник қурилмалари ёрдамида амалга оширилади

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

КОЛЛЕЖДА

ўқув курслари ташкил этилди

Дехконобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 7 мутахассислик бўйича 600 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Архитектуранинг энг сўнгги ютуқлари асосида қайта қурилган замонавий ўқув хоналарида ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда 40 дан зиёд педагоглар, муҳандислар, 10 дан зиёд ишлаб чиқариш таълими усталари ёшларнинг ҳар томонлама малакали мутахассислар бўлиб етишишлари учун астойдил меҳнат қилаяптилар.

- Талабаларга замонавий таълим технологияларини ўргатиш бош вазифамиз, - дейди коллеж директори Алишер Нуриллаев. - 3 та компьютер хонаси, 2 та физика, 2 та кимё лабораторияси, 30 дан ортиқ фан кабинетлари, 6 бўлимдан иборат ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ёшлар ихтиёрида.

Бу ерда чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва ўқитиш, қишлоқ хўжалиги машина ва ускуналарини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ишлари механиги, ўқув бошқармаси бошлиғи, ўқув-ишлаб чиқариш бўлими мудири, ҳисобчи-аудитор, автотранспорт воситалари ва электр жиҳозларини таъмирлаш ишлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллежда бўлганимизда, айниқса тикувчилик бўйича катта тажриба орттирган Саодат Норқулованинг устозлик фаолияти хусусида илиқ сўзларни эшитдик. Японияннинг «Brayzer» фирмаси ишлаб чиқарган 25 та янги туркумдаги машиналарда ишлаётган талаба қизлар турли кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқ жилдлари тикишмоқда. Айни пайтда улар ҳориждан келтирилган янги русумдаги тикув машиналари технологиясини мукаммал ўзлаштириб олдилар.

Тасис кўмаги, Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш лойиҳаси ва Қашқадарёда бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда катта ёшдагилар учун махсус ўқув курслари ташкил этилганлиги туманда ишсизликнинг олдини олиш, кишиларни янги касбга ўргатиш ҳамда уларни малакали мутахассислар қилиб тайёрлашга хизмат қилмоқда. Коллеждаги мавжуд замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган чорвачилик, ўсимликшунослик, бухгалтерия ҳисоби, компьютер саводхонлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича қисқа муддатли курсларнинг очилганлиги айни муддао бўлди.

Илм масканида спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иштирок этган коллеж талабалари волейбол бўйича қизлар жамоаси республика босқичига йўлланма олди. Кези келганда теннис ишқибозлари тобора ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бунга Мадина Тиловова, Шоҳиста Нуриллаеванинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари мисол бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мақсадида ўқув масканига бириктирилган 68 гектар экин майдонидан унумли фойдаланилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар

Бор бўл, оқибат!

ФЕРМЕР

бойиса кўпга нафи тегади

Арнасой туманида халқ таълими тизимига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жорий йилда 1-мактабга 9 миллион, 4-мактабга 15 миллион, 6-мактабга 36 миллион, 9-мактабга 1,9 миллион, 10-мактабга 5 миллион, 16-мактабга 15 миллион, шунингдек, «Лола» мактабгача таълим муассасасига 2,2 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, капитал ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. 11-, 13-, 14-, 16- мактабларда реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 9 та мактабда капитал, 7 та мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Таълим муассасалари бинолари томи шифер билан ёпилди, спорт ва фаоллар заллари, ошхоналар замонавий таъмирланди. Биргина 8-мактабга 400 дона парта, стол-стуллар, лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

Мактабларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Зиёдхон», «Янгиқўрғон», «Исоқбобо», «Оққўрғон», «Там-тум», «Зомин», «Қувват», «Сайрам», «Сомон йўли», каби ўнлаб фермер хўжаликларининг мадади, айниқса катта бўлаётир. Уларнинг ҳар қайсиси 1 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратишди. Асли мутахассислиги ўқитувчи бўлган Мавлон Камолов раҳбарлик қилаётган «Зиёдхон» фермер хўжалиги 1999 йили тумандаги «Олтин водий» агрохизмат маркази ҳудудидан 35,3 гектар ер олиб, пахта ва ғалла экинларини экиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Топилган даромадларидан ҳомийлик ёрдами кўрсатаяпти. Ўтган йили М. Улуғбек номли 1-умумий ўрта таълим мактабига 1 миллион 200 минг сўм ёрдам берилди. 370 дона шифер олиниб, мактабнинг спорт ва фаоллар заллари биноси усти шифер билан ёпилди. Жорий йилда яна қўшимча 1 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шунингдек, фермер хўжалиги таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларига 90 минг сўмлик дарсликлар олиб берди.

«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури асосида қатор ижобий ишларни амалга оширяпмиз, - дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Ёрқин Тожиев. - Хусусан, 845 нафар кам таъминланган ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: **133; 134**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 1 2 3 4 5